



ХИВА ШАҲРИДА ТУРИЗМ ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

Матякубов Умиджон,

DSc, Урганч давлат университети, Менежмент ва маркетинг кафедраси мудири,
Урганч, Ўзбекистон. E-mail: umidjon.mat80@gmail.com,
<https://orcid.org/0000-0003-4888-3044>

Эрметова Икбол,

Урганч давлат университети, Менежмент ва маркетинг кафедраси ўқитувчиси
Урганч, Ўзбекистон. E-mail: xamrayevadilnura02@gmail.com

ANALYSIS OF THE USE OF TOURIST SERVICES IN KHIVA CITY

Umidjon Matyakubov,

DSc, Head of the Department of Management and Marketing in Urgench State University,
Urgench, Uzbekistan. E-mail: umidjon.mat80@gmail.com
<https://orcid.org/0000-0003-4888-3044>

Ermetova Iqbol,

Assistant teacher of the Department of Management and Marketing in Urgench State University,
Urgench, Uzbekistan. E-mail: xamrayevadilnura02@gmail.com
<https://orcid.org/0009-0004-2089-7115>

JEL Classification: L8, L83

Аннотация: Ушбу мақолада Хоразм вилоятининг муҳим туризм дестинациялардан бири ҳисобланган Хива шаҳрининг туризм бозори ҳолати, таширф буюраётган хорижий сайёҳларнинг асосий қизиқишлари, уларни кўпроқ жалб қилиш ҳамда уларнинг шаҳарда қолиш муддатларини узайтириш масалалари тадқиқ қилинган. Тадқиқот ишида Хива шаҳрига таширф буюрган сайёҳлар профилини ўрганиш мақсадида миқдорий методология усулларидан бири ҳисобланган анкета-сўровномаларидан фойдаланилди. Шунингдек, ишда Хива туристик дестинациясига 2013-2022 йилларда таширф буюрган хорижий сайёҳлар сонинг ўсиш динамикаси ва Хива шаҳрида фаолият кўрсатаётган жойлаштириш воситаларининг турлари таҳлил қилинган. Анкета-сўровномаси Хива шаҳрида туристик мавсум юқори ва паст бўлган даврларда таширф буюрган

350 нафар хорижий туристлар ўртасида ўтказилди. Сўровномада таширф буюрган хорижий сайёҳларнинг демографик ҳолати, Хива шаҳрига таширфдан олдин қандай ахборот манбаларидан фойдаланганлиги, шаҳарга таширф буюришининг асосий сабаблари, сайёҳат қилишга имкон берувчи вақт омиллари, шаҳарга таширф буюрган халқаро сайёҳларнинг саёҳат услуги тадқиқ қилинган. Анкета-сўровноманинг иккинчи қисмида хорижий сайёҳларнинг Хива шаҳрида қолишининг ўртача давомийлиги, таширф буюраётган хорижий сайёҳларни шаҳарда меҳмонхона хизматларидан фойдаланиш ҳолати, хорижий сайёҳларни асосан қайси туристик объектларга таширф буюриши, Хива шаҳрига таширф буюрган пайтда ахборот технологияларидан фойдаланиш ҳолати, Ўзбекистондан ташқари яна қайси мамлакатларга таширф буюришини

режсалаштирилаётганлиги, сайёҳларнинг Хива шаҳрида бир кунлик сарф-харажатлари, сайёҳларнинг туристик хизматлар таклифидан қониқиш даражаси, хорижий туристларнинг Ўзбекистондаги туристик шаҳарлар ўртасида қандай транспорт турларидан фойдаланиши ҳолатлари таҳлил қилинди.

Тадқиқот ишида хорижий сайёҳларнинг ҳар 10 нафаридан 9 нафари сайёҳатни бошлашдан олдин ҳам Хивани танлаганлари, аксарияти биринчи марта Хива шаҳрига сайёҳат қилаётганлиги, Хива шаҳридан кейин Бухоро, Самарқанд, Тошкент каби бошқа туристик дестинацияларга таширларни режсалаштирилганлигини билдирганлар. Тадқиқот ишининг хулоса қисмида Хива шаҳрига хорижий туристлар оқимини ошириш ва уларнинг қолиш муддатларини кўпайтириши мақсадида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Abstract: This article discusses the state of the tourist market of the city of Khiva, which is considered one of the important tourist destinations in the Khorezm region, the main interests of visiting foreign tourists, the issues of attracting them more and extending their stay in the city are studied. In order to study the profile of tourists who visited the city of Khiva, the study used surveys, which are one of the methods of quantitative methodology. Also, the study analyzed the growth dynamics of the number of foreign tourists who visited the tourist destination of Khiva in 2013-2022 and the types of accommodation facilities operating in the city of Khiva. The survey was conducted among 350 foreign tourists who visited Khiva during the high and low tourist seasons.

The survey researched the demographic status of visiting foreign tourists, what information sources they used

before visiting the city of Khiva, the main reasons for visiting the city, time factors that enable travel, and the travel style of international tourists visiting the city. In the second part of the survey were analyzed such issues as the average length of stay of foreign tourists in the city of Khiva, the level of satisfaction with the offer of tourist services, the types of transport used by foreign tourists between tourist cities in Uzbekistan.

In the research work, 9 out of 10 foreign tourists chose Khiva even before starting their trip, most of them said that they are traveling to Khiva for the first time, and after Khiva they plan to visit other tourist destinations such as Bukhara, Samarkand, Tashkent. In the concluding part of the research, suggestions and recommendations were developed in order to increase the flow of foreign tourists to the city of Khiva and to increase their stay.

Калим сўзлар: туризм, турист, дестинация, туризм бозори, Хива шаҳри

Key words: tourism, tourism, destination, tourist market, Khiva city.

Кириш. Жаҳонда туризм соҳаси иқтисодийнинг юқори даромадли тармоқларидан бири бўлиб, халқаро ижтимоий-сиёсий ва маданий алоқаларни мустаҳкамлашда муҳим ўрин эгалламоқда. 2022 йил натижаларига кўра "туризмда кўрсатилган хизматлар дунё ЯИМни 7,4 %ни ташкил қилиб, 1,6 трлн.АҚШ долларига етган, шунингдек соҳада банд бўлганлар сони 389 млн. нафарни ташкил қилиб, 11 иш ўрнидан биттаси туризмга тегишли" бўлган[1]. Ўзбекистонда сўнгги йилларда туризм соҳаси барқарор суръатларда ривожланмоқда. Жумладан, 2022 йилда мамлакатимизга ташриф буюрган хорижий туристлар сони 5,2 млн.нафарни ташкил қилиб, 2021 йилга нисбатан 3 бараварга ошган [2]. Шунингдек, 2022

йилда Ўзбекистонда туризм хизматлари экспорти 1,6 млрд.долларни ташкил қилган.

Мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудуди ўзига хос туристик салоҳиятга эга бўлиб, улар орасида Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарлари халқаро ва маҳаллий сайёҳлар ташрифи бўйича етакчи ўринларда туради. Ўзбекистонинг ушбу туристик шаҳарлари хорижий ва маҳаллий туристларни жалб қилишда ўзига хос ёндошувларга эга ҳисобланади. Бундай ёндошувлар қайд қилиб ўтилган туристик масканларда туризм хизматлари бозори талаб асосида шакллантирилмоқда.

Хива шаҳрида хорижий ва маҳаллий сайёҳларнинг қолиш муддатлари Бухоро ва Самарқанд шаҳарларига қараганда кейинги ўринларда туради. Жумладан, хорижий сайёҳларни Тошкент шаҳрида тунаб қолиши 3,8 кечани, Самарқандда 4,2 кечани, Бухорада 3,5 кечани ташкил қилса, бу кўрсаткич Хива шаҳрида 2,5 кеча ташкил қилади [3]. Шунингдек, Хива шаҳридаги жойлаштири воситалари сони ва сифими Самарқанд ва Бухоро шаҳарларига нисбатан жуда кам ҳисобланади.

Юқоридаги маълумотларга асосланиса, Хива шаҳрининг туризм салоҳиятидан янада самаралироқ фойдаланиш ва туристларни қолиш муддатларини узайтириш долзарб масала ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда Хива шаҳрининг туризм бозори ҳолатини таҳлил қилиш, ташриф буюраётган сайёҳларнинг асосий қизиқишлари ҳамда уларни кўпроқ жалб қилиш, қолиш кунларини узайтиришни тадқиқ қилиш зарурият ҳисобланади.

Материал ва Метод. Дунёнинг Қадимий шаҳарларидан бири бўлган Хива асрлар мобайнида инсониятнинг маънавий ва моддий маданияти

тараққиятига ўзининг салмоқли хиссасини қўшиб келган. Хива бутун дунёда очик осмон остидаги музей сифатида эътироф қилиниб, бу шаҳар ҳудудида милоддан аввалги VI – V асрлардан XX аср бошларигача бўлган даврларга тааллуқли 122 дан ортиқ археологик ёдгорликлар ва меъморий обидалар сақланиб қолган [4]. 1997 йилда Хиванинг 2500 йилик юбилеи ЮНЕСКО раҳномалагида дунё микёсида кенг нишонланиши бу шаҳарнинг бутун дунёда эътироф этилганидан далолат беради.

Хива шаҳрининг туристик салоҳияти бўйича салмоқли тадқиқотлар амалга оширилган. Хусусан, В.Н. Ягодин ва А.Б.Беттслар “Хива -Ичан қалъа” тарихий музейини, “Қадимий Хоразм пойтахт”лари олтин ҳалқасининг муҳим туристик объектларидан бири эканлигига алоҳида эътироф қилишган [5]. Шунингдек соҳа бўйича германиялик эксперт Х.Бендсан ва маҳаллий экспертлар Ш.Атажанова ва Д.Бобожановлар Хива шаҳрининг Ичан ва Дешон қалъада жойлашган хорижий ва маҳаллий туристларни ўзига жалб қилувчи тарихий-маданий туристик объектлар, этнографик ва гастрономик туризм ресурсларини очиб беришган [6].

Хоразм вилояти туризм салоҳияти, асосан Хива шаҳрининг Ичан қалъа кўриқхонаси ва жаҳонда мисли йўқ ғоятда бой тарихий-меъморчилик ёдгорликлари бутун дунё сайёҳларини ўзига ром қилиб келмоқда. Хива шаҳридаги “Говук кўл” ва “Ичан қалъа” музейи давлат кўриқхонаси Хоразм вилоятининг тарихи ва бугуни, табиати ва биологик ҳилма хиллиги, ўзига хос урф-одатлари ва анъаналарини акс эттирадиган туристик маршрутларга киритилган [7].

Иқтисодчи олимлардан Б.Олланазаров тамонидан Хива

шаҳрининг халқаро ва ички бозорда туризм салоҳиятини ошириш, туризм инфратузилмасини янада ривожлантириш мақсадида, "Кўхна Хива" туристик кластерини ташкил қилиш мақсадга мувофиқлиги асосланган [8]. Шунингдек, яна бир иқтисодчи олим Д.Бекчанов томонидан туризм соҳасини рақамли трансформациялаш мезонлари асосида ақлли технологияларни ва замонавий инновацион ёндашувларни қўллаган ҳолда, Хива ақлли туристик дестинациясини ташкил қилиш концепцияси ишлаб чиқилган [9].

Хоразм вилоятининг транспорт кластер модели ишлаб чиқишда кластернинг энг муҳим ядроси сифатида Хива шаҳридаги темир йўл вокзали муҳим ўрин эгаллаши асослаб берилган [10]. Хива шаҳрида Паҳлавон Маҳмуд зиёратгоҳи-Говвук кўл каби туристик-рекреация хизмат турларининг ривожланиш кўрсаткичлари "Евклид масофаси" (Euclidean distance) асосида ўхшашлик даражаси юқори бўлган зиёрат-табиат кластерларини ташкил қилиш йўналишлари бўйича таклифлар ишлаб чиқилган [11]. Ундан ташқари, интерфаол хариталар асосида Оролбўйи минтақасидаги тарихий археологик қалъалар учун "Қадимий Хоразм пойтахтларининг олтин ҳалқаси" туристик маршрутида Хива шаҳрида жойлашган Ичан қалъа мажмуаси асосий туристик объект сифатида кўрсатиб ўтилган [12].

Хива шаҳри Ўзбекистонинг Бухоро, Самарқанд каби туристик дестинациялардан бири ҳисобланиб, ўзининг жозибадор меъморий, маданий мерос объектлари, миллий урф-одатлари ҳамда гастрономияси билан алоҳида ажралиб туради [13]. Хива шаҳри Оролбўйи минтақасининг муҳим туризм йўналишларидан бири бўлиб, "Қадимий

Хоразм пойтахт"лари ҳисобланган туристик маршрутга киритилган ва худуднинг туризм потенциални тарғиб қилишда муҳим рол ўйнаган [14]. Маълумки, Хива шаҳри Оролбўйи минтақасининг муҳим туристик манзилларидан бири ҳисобланади. Шу нуктаи назардан олиб қараганда, Хива шаҳридаги меҳмонхоналарни атроф-муҳитни ҳимоя қилишда мотивациялари муҳим аҳамият касб этади [15].

Хоразм вилоятининг Хива шаҳри этнографик туризмни ривожлантириш учун катта имкониятларга эга ҳисобланади. Хусусан, Хива сузани маркази, Хива ипак гиламлари тўқиш устахоналари, Хива кўғирчоқ яшаш устахоналари, Хива шаҳридаги "Аваз Ўтар" уй музейи, "Қозихона" музейи ҳамда Хива халфачилик санъати (тўй, сайл, аза маросимларида хотин-қизлар даврасида "халфа"лар санъати ижоди кенг тарқалган) муҳим этнографик туризм йўналишларидан бири ҳисобланади [16]. ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган тарихий шаҳар Хива Ичан қалъанинг фойдаланиш қийматини баҳолаш бўйича ҳам тадқиқотлар амалга оширилган. Ичан Қалъанинг иқтисодий қиймати учун ташриф буюрувчиларнинг тўлашга тайёрлигини ўрганилган [17]. Хива шаҳри ва унинг миллий ўзлигимизни мустаҳкамлашдаги ўрни ва аҳамияти, туристик имкониятлари, шунингдек, шаҳарга маҳаллий ва халқаро ташкилотлар томонидан кўрсатилаётган эътибор қаратилмоқда [18].

Аммо юқорида қайд қилиб ўтилган олим ва тадқиқотчилари ишларида Хоразм вилояти Хива шаҳрининг туризм инфратузилмасини ривожлантириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган бўлсада, шаҳарга ташриф буюраётган хорижий

саёҳлар қизиқишлари, тақлиф қилинаётган хизматлардан қониқиш даражаси ва мойиллиги етарлича ўрганилмаган ва таҳлил қилинмаган. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, Хива шаҳри туризм бозорининг талаб томонини ўрганиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Тадқиқот миқдорий методологиянинг энг муҳим усулларида бири бўлган анкета-сўровномаларидан даврда, яъни юқори мавсум учун маълумотлар 2021 йил 15 октябрдан 01 ноябргача 15 кун давомида тўпланди. Иккинчи маълумот йиғиш худди шу сўровномалар ишлатилган ҳолда 2022 йил феврал ойида яна 15 кун давомида ўтказилиб, бу давр вилоятда туризмнинг паст мавсуми деб ҳисобланади. Анкета-сўровнинг ҳар бир респондент учун ўтказиш давомийлиги 15-20 минутгача давом қилди ва танланган жойлар ташрифлар кўп бўлган Ичан-Қалъа ва ташрифлар кам бўлган Хива темир йўл вокзали бўлди.

фойдаланилди. Хива шаҳрига ташриф буюрган сайёҳлар профилини ўрганиш мақсадида сайёҳларни қолиш муддатлари ҳамда ҳатти ҳаракатлари билан боғлиқ қатор жиҳатларни аниқлаш мақсадида анкет-сўровномасидан фойдаланилди. Анкета-сўровномаси халқаро сайёҳлар ўртасида инглиз, рус, француз ва немис тилларида тақдим этилди. Анкета-сўровномалари юқори ва паст мавсумларни қамраб олиш учун икки хил

Натижалар

Хива шаҳрига ташриф буюраётган хорижий сайёҳлар йилдан йилдан кўпайиб бормоқда. Мазкур туристик дестинация ўз ичига Ичан-Қалъа" давлат музей кўриқхонаси ва Дешон қалъа туристик ресурсларини олади. Статистик маълумотлар Хива туристик дестинациясига 2012-2022 йилларда ташриф буюрган хорижий сайёҳлар сони ўсиш тенденциясини кўрсатади (1-жадвал).

1-жадвал

Хива туристик дестинациясига ташриф буюрган хорижий туристлар динамикаси¹

| 2013 | 2014 | 2015 | 2016 | 2017 | 2018 | 2019 | 2020 | 2021 | 2022 |
|-------|-------|-------|-------|-------|-------|--------|-------|-------|--------|
| 41037 | 36925 | 30275 | 33385 | 46187 | 65691 | 116153 | 23050 | 39805 | 137462 |

Хива шаҳрига хорижий сайёҳларнинг юқори ўсиш тенденциялари 2017 йилдан, мамлакатда туризм соҳасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширила бошлаган даврдан бошлаб, ўсиш тенденциясини кўриш мумкин. Хусусан, 2019 йилда Хива туристик дестинациясига 116153 нафар хорижий турист ташриф буюрган. Албатта бу ҳолатни 2018 йил 9 мамлакат фуқаролари учун виза режими бекор қилинганлиги, 2019 йил 47 мамлакат фуқаролари учун визасиз режим ўрнатилганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Сўнгги йилларда Хива шаҳрида туризм инфатузилмаларининг сони ҳам ўсиш тенденциясига эга. Хоразм вилоятида фаолият кўрсатаётган меҳмонхоналарнинг 68%, оилавий меҳмон уйлари 83%и Хива шаҳрига тўғри келади. 2022 йилга келиб, Хива шаҳрида фаолият кўрсатаётган меҳмонхоналар сони 56 тани, оилавий меҳмон уйлари 81 тани, меҳмон уйлари 10 тани ва хостеллар сони 2 тани ташкил қилган (2-жадвал).

¹ Манба: Хоразм вилояти туризм ва маданий мерос бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари

**Хива шаҳрида фаолият кўрсатаётган жойлаштириш
воситаларининг турлари (2022 йил)²**

| Туманлар номи | Меҳмонхоналар | | | Оилавий меҳмон уйлари | | | Меҳмон уйлари | | | Хостел | | |
|---------------|---------------|---------|---------|-----------------------|---------|---------|---------------|---------|---------|--------|---------|---------|
| | Сони | Хоналар | Ўринлар | Сони | Хоналар | Ўринлар | Сони | Хоналар | Ўринлар | Сони | Хоналар | Ўринлар |
| Хива шаҳар | 56 | 416 | 3070 | 81 | 301 | 725 | 10 | 26 | 52 | 10 | 54 | 129 |

Тадқиқот натижаларига мувофиқ, Хива шаҳрида ўтказилган анкета сўровномаларида жами 350 та хорижий сайёҳлар иштирок қилди. Сайёҳларнинг келиб чиқишга кўра Россия (13,3%), ундан кейин Япония (12%), Германия (11,7%), Франция (9,3%) ва рўйхатда сўнгги 3 ўринни Қозоғистон (2,5%), Австралия (2,2%) ва Ҳиндистон (2,2%) фуқораларини ташкил қилди. Хива шаҳрида чет эллик сайёҳлар ўртасида ўтказилган анкета-сўровномаларда аёллар 47 %ни ва эркеклар 53 %ни ташкил қилди. Респондентларнинг ўртача ёши 45,7 ёшни, энг кичик ёш 19 ёшни ва энг катта ёши 80 ёшни ташкил қилди. Шунингдек ёшлар бўйича гуруҳлар асосан, 19 ёшдан 24 ёшгача бўлган респондентлар 5,9 %ни, 25 ёшдан 34 ёшгача – 25,5%ни, 35 ёшдан 44 ёшгача -19,6%ни, 45 ёшдан 54 ёшгача - 20,8%ни, 55 ёшдан 64 ёшгача -15,6%ни, 65 ёш ва ундан катталар -12,7 фоизни ташкил қилади.

Сўровномада иштирок қилган респондентларнинг 26%и уйдаги дўстлари билан, 24,9% и ёлғиз, 18,5% турмуш ўртоғи билан Хива шаҳрига

сайёҳат қилишган. Шунингдек, анкета-сўровномада иштирок қилган туристларнинг 83%и олий маълумотли, 9,5%и ўрта мактабни тўлиқ битказган, 0,5% бошланғич маълумотга ҳамда 0,3%и умуман маълумотга эга бўлмаганлигини кўрсатди. Хива шаҳрига ташриф буюрган халқаро сайёҳларнинг саёҳат услуби тадқиқ қилинганда, уларнинг аксарияти ўзлари саёҳат қилишни, маҳаллий ҳамжамият билан ўзаро муносабатда бўлишни ва қулай яшаш шароитида яшашни афзал кўришларини билдирганлар. Шунингдек, тадқиқот жараёнида, Хива шаҳри учун олдиндан сотиб олиган турпакетларга нисбатан нейтрал муносабатда бўлган.

Респондентлардан Хива шаҳрига ташриф буюришдан олдин, маълумотларни қайси манбалардан олинганлигини сўралганда, энг муҳим манбалар сифатида интернет-қидирув тизимлари (3.9/5), саёҳатлар учун қўлланмалар (3.3/5) ва оила/дўстлардан олинган маслаҳат (3.2/5) эканлигини кўрсатганлар (1-чизма).

² Манба: Хоразм вилояти туризм ва маданий мерос бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари




1-чизма. Хива шаҳрига ташриф буюраётган хорижий саёҳларга ахборот манбаларининг таъсири³

Тадқиқот давомида респондентларга Хива шаҳрига сайёҳат қилишга имкон берувчи вақт омиллари ўрганилди. Шаҳарга ташриф буюрган ҳар ўн нафардан тўртта хорижий сайёҳ ишдан пуллик таътилда, 23,3%и нафақада, 6,1%и масофадан иш фаолиятида, 5,7%и хизмат сафарларида ҳамда 5,6%и узайтирилган ҳақ тўланмайдиган таътилда бўлган. Анкета-сўровномага туристларни умумий сайёҳтида нечта бўлганлиги сўралганида, респондентларнинг 10 нафардан 5 нафардан кўпроғи фақат Ўзбекистонга ташриф буюришни режалаштирган, 22,7%и Ўзбекистонга

сайёҳатни бошқа давлат билан бирлаштирган ҳамда 21,3%и Ўзбекистонда ташқари икки ёки ундан ортиқ мамлакатга ташриф буюришни режалаштирган.

Хорижий саёҳлардан Хива шаҳрига ташриф буюришнинг асосий мотивлари сифатида, асосан, таътил ва дам олиш (84,1%), қолган 15,9% эса шаҳарга ташриф буюришнинг сабаблари бизнес ёки таълим мақсадлари (ҳар бири 4,5%), дўстлари ва қариндошларини кўриш (3,7%), маданият ва тарих (2,8%), зиёрат мақсадларини (1%) кўрсатган (2-чизма).



2-чизма. Хорижий саёҳларнинг Хива шаҳрига ташриф буюришнинг асосий мотивлари⁴

³ Манба: Анкет-сўровномалари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари


⁴ Манба: Анкета-сўровномалари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари

Хива шаҳрида бўлишнинг ўртача давомийлиги икки ярим кечакундуз бўлиб, эркак ва аёл респондентлар ўртасида деярли фарқ қилмади. Шу билан бирга, эркак респондентлар аёллардан кўра кўпроқ саёҳат қилишни билдирган. Шунингдек, аёл респондентлар эркакларга қараганда, умумий саёҳат кечаларини Хива шаҳрида қолишга режалаштирган. Хива шаҳрига ташриф буюрган хорижий сайёҳларнинг аксарияти меҳмонхоналарда бўлишган. Ҳар бешинчи сайёҳ 2-3 юлдузли меҳмонхонадан, деярли 20%и 4-5 юлдузли ва 7,6 фоиз 1 юлдузли меҳмонхона хизматларидан фойдаланган. Ҳар ўнинчи респондент хостеллардан фойдаланган ва 6,3% ўзбек оиласида пулик асосда тунаб қолган.

Тадқиқот натижаларига кўра, Хива шаҳрига ташриф буюрган хорижий сайёҳлар асосан, музейлар ва галереяларга (84,1%), экскурсиялар

55,7%, харидлар (51,2%), ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси объектларига (36,5%) ташриф буюрган. Барча респондентларнинг Хива шаҳрида ўртача кунлик харажатлари 81,3 АҚШ долларини ташкил этган, эркак респондентлар одатда аёлларга қараганда 10 долларга кўпроқ маблағ сарфлаши маълум бўлди. Хивага саёҳатнинг ўртача нархини ўртача кунлик харажатлар ва ўртача яшаш вақтига қараб ҳисоблаб чиқилса, халқаро сайёҳ Хивада ҳар бир ташриф учун ўртача 211 АҚШ доллар сарфлаши маълум бўлди.

Резидентлиги бўйича кунлик сарф-харажатлар таҳлил қилинганда, Хива шаҳрида энг кўп маблағни Россиялик (101,3 доллар), кейин АҚШлик (82,7 доллар), Испаниялик (73) доллари), Буюк Британиялик (72,7 АҚШ доллари) ва Қозоғистонлик (71,6 АҚШ доллари) сайёҳлар сарфлаши маълум бўлди (3-чизма).



3-чизма. Хорижий сайёҳларнинг Хива шаҳрида бир кунлик сарф-харажатлари⁵ (АҚШ долларида)

⁵ Манба: Анкета-сўровнома асосида муаллиф ҳисоб-китоблари


Халқаро сайёҳлар Хива шаҳрига ташриф буюрган пайтда ахборот технологияларидан фойдаланиш ҳолати ўрганилганда, уларнинг 64,7 фоизи ўзларининг фотосуратларини оила аъзолари ва дўстларига юборганлиги, деярли ҳар иккинчи сайёҳатчидан бири фотосуратларини ижтимоий тармоқларда янгилаган ва 39,7 % мобил қурилмаларидан ёки смартфон ёрдамида Интернетга уланганлиги маълум бўлди.

Тадқиқот давомида респондентлардан Ўзбекистондан ташқари яна қайси мамлакатларга ташриф буюришини режалаштирилаётганлигини билан боғлиқ савол ҳам берилди. Бошқа давлатга ташриф буюришни режалаштирган хорижий сайёҳларнинг 21,2 фоизи Россия, 20,6 фоизи Қозоғистон, 8,8 фоизи Хитой ва Туркменистонга, 7,6 фоизи Туркияга ва 7,1% Жанубий Корея эканлигини кўрсатди. Шунингдек, Хива шаҳрига ташриф буюрган хорижий туристларининг Ўзбекистондаги туристик дестинациялар орасида сайёҳат қилишда 59,3%и авиатранспорт, 59,1%и маҳаллий темир йўллари транспорт, такси 43,3%и такси, 14,7%и сайёҳлик автобуси хизматларидан фойдаланилган.

Анкета-сўровномаларда иштирок қилган респондентларнинг ҳар 10

нафаридан 9 нафари сайёҳатни бошлашдан олдин ҳам Хива шаҳарини танлаганлар. Бу шуни кўрсатидики, Хива шаҳри хорижий туристларнинг сайёҳатни режалаштиришдаги асосий йўналиши бўлган ҳамда уларнинг ташрифи Ўзбекистонда саёҳат қилиш пайтида қабул қилинган қарор бўлмаган. Сўровномда иштирок қилганларнинг 28,9 фоизи Хива шаҳри саёҳатининг биринчи манзили бўлганлиги, қолганлари Хивага келишидан олдин Бухоро (32,1%), Тошкент (22,8%), Самарқанд (4,9%), Нукус (4,9%) ёки бошқа шаҳарларда бўлишганлигини билдирган. Респондентларнинг катта қисми (86,2%) Хива шаҳрига биринчи марта ташриф буюришгани, 10% шаҳарга олдин бир марта келганлиги, 2,5% - икки марта, 0,5% - уч марта ва 0,8% - уч мартадан кўпроқ илгари шаҳарда бўлганлар.

Респондентлардан Хива шаҳридаги сайёҳлик хизматларининг таклифини сифати бўйича сўралганда, туристларни турар жой стандартларининг умумий сифати (4.2/5), кўрсатилган хизматлар (4.1/5), сайёҳлик маҳсулотлар сифати, озиқ-овқат ва ичимликлар стандартлари ва транспорт стандартлари (ҳар бири 3.9/5) дан жуда мамнун эканлиги маълум бўлди (4-чизма).



4-чизма. Хива шаҳрида сайёҳларнинг туристик хизматлар таклифидан қониқиш даражаси⁶

⁶ Манба: Анкета-сўровнома асосида муаллиф ҳисоб-китоблари

Респондентлардан Хива шаҳридан кейин ташриф буюришни режалаштирган манзил тўғрисида берилган саволга халқаро сайёҳларнинг 27,1% уйларига қайтиб кетишларини билдирганлар. Саёҳатни давом қилдиришни режалаштирганлар орасида энг асосий дестинациялар Бухоро (32,9%), Тошкент (19,5%), Самарқанд (8,3%), Нукус (6,3%) шаҳарлари ҳамда Туркменистон (2,4%) Республикаси ва бошқалар бўлган. Шунингдек, тадқиқот давомида Хива шаҳрига саёҳатларнинг аксарияти олдиндан режалаштирилганлиги маълум бўлиб, Хива шаҳрига келишни туристлар ушбу саёҳатни режалаштириш босқичида ўзларининг маршрутига олдиндан киритишни хошлашган.

Муҳокама

Тадқиқот натижаларини муҳокама қилишда, Хива шаҳрида туризм хизматларини кўрсатиш баъзи муҳим жиҳатларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Хусусан, хорижий сайёҳ Хивада ҳар бир ташриф учун ўртача 211 АҚШ доллар сарфлайди. Бу кўрсаткич бошқа туристик дестинациялар, жумладан, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларникига нисбатан анча ҳисобланади. Мазкур муаммонинг ечими, Хива шаҳрида туристларга кўрсатиладиган туризм хизматларини диверсификация қилишни, ҳамда янги туристик маҳсулотларни яратишни талаб қилади. Шунингдек, Хива шаҳрига ташриф буюраётган хорижий сайёҳларга ахборот манбаларининг таъсирини таҳлил қилганда, энг паст кўрсаткич Ўзбекистоннинг туризм бўйича расмий сайти (5/2,3) бўлган. Бу туризм бўйича расмий сайтида Хива шаҳрининг туристик жозибадорлигини янада ёритишни тақоза қилади.

Хива шаҳрида таклиф қилинаётган сайёҳлик маҳсулотлар сифати, озиқ-овқат ва ичимликлар стандартлари ва транспорт стандартлари (3.9/5) хизматларини анча такомиллаштиришни талаб қилади. Бугунги кунга Урганч шаҳрини Хива билан боғлашда троллейбус хизматлари, шунингдек, Тошкент, Андижон, Самарқанд, Бухоро каби шаҳарлар билан боғловчи Хива темир йўл вокзали ҳам мавжуд [19]. Хива шаҳрида сайёҳлик маҳсулотлари сифатини баҳолаш бўйича баъзи тадқиқот ишлари амалга оширилган. Хива шаҳрида туризм ривожланиши сифатини идрок этиш даражаси ўртасида боғлиқлик мавжудлиги аниқлаб берилган[20]. Умуман, Хива шаҳрида туризм инфратузилмалари хизматларини янада яхшилашни тақоза қилади.

Хулоса

Тадқиқотда Хоразм вилоятининг муҳим туристик дестинацияларидан бири ҳисобланган Хива шаҳрида хорижий сайёҳлар талаблари ва ҳоҳиш истакларини чуқур таҳлил қилиш, улар ташрифларининг асосий мотивларини ўрганиш, таклиф қилинаётган туристик маҳсулотлар турини кўпайтириш, туризм хизматларини халқаро ва ички бозорида тарғиботини кучайтириш муҳим зарурият асосланди. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, Хоразм вилоятининг Хива шаҳрига хорижий сайёҳлар оқимини кўпайтириш ва уларнинг қолиш муддатларини узайтириш учун қуйида чора-тадбирларни амалга ошириш таклиф қилинди:

1. Хива шаҳрида жойлашган "Оллақулихлон Карвонсаройи"да ҳунармандчилик марказини ташкил қилиб, ҳар ҳил турдаги сопол, керамика буюмлари тайёрлаш жараёни юзасидан маҳорат сабоқларини ўтказиш ва уларни сотиш нуқталарини яратиш;

2. Хива “Ичан қалъа музей”ида вилоятнинг барча намунадаги гиламлари ва Хоразм чўғирмаси миллий бош кийимини тайёрлаш жараёни юзасидан маҳорат сабоқларини ташкил қилиш бўйича шоу-румалар (show room) яратиш ва уларни сотув жараёнини ташкил қилиш;

3. Хива шаҳрида қуриқ ва турли мевалар, зироварлар ва кўплаб полиз экинларини сотиш учун қадимий кўринишдаги “Шарқ бозори”ни ташкил қилиш;

4. Туризм хизматлари бозорида ўзаро тажриба алмашишда “ахборот бўшлиқлар”и (information gaps)ни камайтиришни таъминловчи Хива шаҳри сайёҳлик ташкилотларининг виртуал ассоциациясини яратиш мақсадга мувофиқ;

5. Хива шаҳрининг салоҳиятини маҳаллий ва ички бозорларда кенг тарғиб қилиш мақсадида туризм ташриф объектлари бўйлаб

хорижий туроператорлар билан биргаликда инфротурларни ташкил қилиш;

6. Хива шаҳар “Ичан қалъа” давлат музейи қўриқхонаси мажмуасини оммалаштириш ҳамда дунё ҳамжамиятидаги тутган нуфузини мустаҳкамлаш мақсадида ушбу объектларга туташ худудларда хорижий мамлакатларнинг миллий байрамлари, маданий тадбирлари, фестивалларни ўтказиш.

Юкорида қайд қилинган таклифларнинг амалга оширилиши бевосита Хоразм вилоятининг муҳим туристик дестинация ҳисобланган Хива шаҳарига хорижий ва маҳаллий сайёҳлар оқимини кўпайтиришга, Ичан-Қалъа давлат музейида инфратузилма фаолиятини такомиллаштиришга, шунингдек, туризм бизнеси корхоналарини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. [Travel & Tourism Economic Impact | World Travel & Tourism Council \(WTTC\)](#)
2. Маданият ва туризм вазирлиги статистик маълумотлари
3. Туризм в Узбекистане. 2019.
4. Машарипов О. Хоразмнома: Хоразм, Юксалиш ва Инқироз. Хоразм нашриёти. 2007 й. 420 б.
5. Ягодин В.Н., Беттс А.Б. Золотое кольцо Хорезма. Central Asia, 3-е издание. 2015 г. 125 с.
6. Bendsen.H., Atodjonova Sh., Bobojanov D. Khorezm – a bit out of the ordinary. СВТД. 2016. Р.83.
7. Матякубов У.Р. Экологик вазиятни инобатга олиб туризм самарадорлигини ошириш йўналишлари ва истқиболлари (Хоразм вилояти мисолида). Иқтисод фан.номзоди дисс.авторреферати.- Самарқанд, СамИСИ, 2011. 25 б.
8. Олланазаров Б.Д. (Ph.D) фалсафа доктори.дисс.авторреф. Самарқанд, 2019; Туристтик хизматлар соҳасида инвестицион фаолликни ошириш стратегияси ва устувор йўналишлари.



9. Бекжанов Д.Й. Инновацион ёндашувлар асосида туристик дестинация рақобатбардошлигини ошириш механизмларини такомиллаштириш. (Ph.D) фалсафа доктори.дисс.автореф Урганч, 2021.
10. Ходжаниёзов Э.С. Туризм соҳасини транспорт хизматлари билан таъминлашни такомиллаштириш механизмлари (Хоразм вилояти мисолида). (Ph.D) фалсафа доктори.дисс.автореф – У.: Урганч 2022.
11. Ибодуллаев Э.Б. Минтақада туристик рекреацион хизматларни ривожлантириш механизмни такомиллаштириш (Ph.D) фалсафа доктори.дисс.автореф – У.: Урганч 2022.
12. Матякубов У.Р. Оролбўйи минтақасида туризмни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий ва методологик йўналишларини такомиллаштириш (DSc) фан доктори.дисс.автореф – У.: Урганч. 2022
13. Saidmamatov, O.; Matyakubov, U.; Rudenko, I.; Filimonau, V.; Day, J.; Luthe, T. Employing Ecotourism Opportunities for Sustainability in the Aral Sea Region: Prospects and Challenges. *Sustainability* **2020**, *12*, 9249. <https://doi.org/10.3390/su12219249>
14. Saidmamatov, O., Matyakubov, U., Khodjaniyazov, E., Day, J., Ibadullaev, E., Chuponov, S., Bekjanov, D., Matniyozov, M., Matyusupov, B. (2021). TOWS analysis for sustainable ecotourism development and state support during the pandemic: The Aral Sea region of Uzbekistan. *Turyzm/ Tourism*, 31 (1), 47–56. <https://doi.org/10.18778/0867-5856.31.1.16>
15. Umidjon Matyakubov, Viachaslau Filimonau & Vladimir A. Ermolaev (2022) The (De)motives to Conserve the Environment among Small Independent Hotels in a Resource Scarce Destination, *Journal of Quality Assurance in Hospitality & Tourism*, 23:6, 1596-1622, DOI: [10.1080/1528008X.2021.2004571](https://doi.org/10.1080/1528008X.2021.2004571)
16. Matyakubov, Umidjon; Akhmedov, Sh.; and Isakov, R. (2020) "ISSUES OF USING THE OPPORTUNITIES OF ETHNOGRAPHIC TOURISM IN THE ARAL REGION: PROBLEMS AND PROSPECTS," *Central Asian Problems of Modern Science and Education: Vol. 2020 : Iss. 4 , Article 1*. DOI: <https://doi.org/10.51348/campse0008>
17. Baymuminova, N.; Shermukhammedova, G.; Choi, J.-G. Estimating the Economic Value of Ichan Kala Using the Contingent Valuation Method (CVM). *Sustainability* **2023**, *15*, 2631. <https://doi.org/10.3390/su15032631>
18. Isoqov, R. Khiva–Museum Under open sky. In *Proceedings of the Pedagogy and Modern Education: Tradition, Experience and Innovation–International Conference*, Tashkent, Uzbekistan, 5 February 2021; pp. 37–39.
19. Khodjaniyazov, E. Analysis of tourism potential and transport infrastructure of Khorezm region, Uzbekistan. *Tour. Educ. Stud. Pract.* **2018**, *5*, 1–10.
20. Israilov A, Asterio T. Miranda, Jr. The Tourism Development in Uzbekistan: An Assessment. Volume 8, Issue 8, August 2020, PP 95-110 ISSN 2349-0330 (Print) & ISSN 2349-0349 (Online) <https://doi.org/10.20431/2349-0349.0808010> www.arcjournals.org